

INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE

on the theme " *Architecture is the Abode of Time* "which will be held at
Samarkand State Architecture and Construction University

ХУРОСОННИНГ НАВОИЙ ДАВРИ АРХИТЕКТУРАСИ ВА ШАҲАРСОЗЛИГИГА ХОС ЕТАКЧИ АНЪАНАЛАР

Архитектура фанари доктори, профессор Самарқанд давлат архитектура –қурилиш
университети (Ўзбекистон)
А.С. Уралов

Архитектура фанлари номзоди, профессор
Самарқанд давлат архитектура –қурилиш университети (Ўзбекистон)
Д.З. Камолова

Мустақил тадқиқотчи
Самарқанд давлат архитектура –қурилиш университети (Ўзбекистон)
Х. Н. Холдоров

Аннотация: Тадқиқотнинг мақсади Шарқнинг буюк шоири ва давлат ар-боби Алишер Навоийнинг Ҳирот шаҳри ва Хуросонда меъморчилик, ша-ҳарсозлик, боғ-истироҳатчилик ва эл-юрт маъмурчилиги йўлида олиб борган хизматлари, амалга оширган янгилликлари, Навоий даври архитектураси ва ша-ҳарсозлигига хос етакчи анъаналарни аниқлаш ва ёритиб беришдир. Тадқиқот методи мавзуни Навоий даври тарихий манбалари (Хондамир, Муҳаммад Хивақий, Навоий, Бобур асарлари), шунингдек мавзуга доир замонавий адаби-ётларни ва Навоий давридан бизгача сақланган меъморий ва шаҳарсозлик обидаларни илмий асосида кенг ёритиб беришдан иборатдир. Тадқиқот натижасида Навоийнинг эл-юрт маъмурчилиги ва эҳтиёжлари учун масжид, мадраса, шифохона, хонақоҳ, лангархона, (етим-есир ва ғарибларга овқат бериладиган жой), карвонсарой, ҳаммом, работ, ҳовуз, кўприклар қурдиргани, қудуқ ва каналлар қаздиргани ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Навоий амалга оширган бунёдкорлик объектлари, улар қурилган шаҳар ва ҳудудлар аниқ мисолларда илк бор жадвал кўринишида ишлаб чиқилган. Навоийнинг нима сабабдан "биное тарх қилмоқким ҳамеша" деб ёзгани ва унинг нафақат Шарқнинг буюк шоири, балки улкан бунёдкори, яъни меъмори ҳам бўлганлиги исботлаб берилган. Хуросоннинг Навоий даври архитектураси ва шаҳарсозлигига хос етакчи анъаналар аниқланган.

Таянч сўзлар: Алишер Навоий, Ҳирот, Хуросон, меъморчилик, шаҳар-созлик, боғ-истироҳатчилик, эл-юрт маъмурчилиги, Навоийнинг бунёдкорлик географияси, бунёдкорлик ишларининг жадвали, Навоий даври архитек-тураси ва шаҳарсозлигига хос етакчи анъаналар.

Кириш. Хозиргача Амир Темур ва Темурийларнинг давлатчилиги, эл-юрт маъмурчилиги, илм-фан, маданият, санъат ва бошқа соҳалардаги хиз-матлари, саъй-ҳаракатлари ҳақида кўп илмий-тадқиқотлар бажарилган, китоблар ёзилган. Г. Пугаченкова, М. Бобоҳаджаев, А. Беленицкий, М. Массон, Б.Ахмедов, П.Зоҳидов, А. Муҳаммаджонов, А.Уралов, А. Яхьяевлар ана шундай олимлар қаторига киради. Бироқ, тан олиш керакки, Темурийлар билан ёнма-ён тарзда фаолият кўрсатган, хусусан темурий Хусайн Бойқарога елкадош бўлган буюк шоир ва давлат арбоби Алишер Навоийнинг улкан

адабий-бадий мероси, унинг аҳамияти ва долзарблиги ҳақида кўп ва ҳўп гапирганимиз, ёзганимиз ҳолда унинг шаҳарсозлик, меъморчилик, халқ манфаати ва юрт ободончилиги йўлидаги хизматлари хусусида фақат тор доирада, илмий маъруза ва семинарлар тарзида гапириб, уларни кенг халқ оmmasига тўлиғича етказа олган эмасмиз. Ваҳоланки, Темурийларнинг бунёдкорлик фаолияти, меъморчилик, шаҳарсозлик ва боғ-паркчилик соҳасидаги ишлари Хуросонда Алишер Навоий томонидан таҳсинга сазовор тарзда давом эттирилган. Мазкур ишда Навоийнинг ана шундай бунёдкорлик ишлари чуқур ўрганилиб, илк бор ягона жадвал ҳолига келтирилган, Хуросоннинг, Навоий даври архитектураси ва шаҳарсозлигига хос етакчи анъ-аналарни

Тадқиқот методлари. Алишер Навоий даври тарихий ёзма манбалари, Навоийнинг ўз асарлари, Навоий ҳаёти ва фаолиятига қаратилган махсус тарихий ва замонавий илмий адабиётлар, Навоий даврдан бизгача сақланиб қолган меъморчилик ва шаҳарсозлик ёдгорликлари, жамоат бинолари, иншоотлар, чар-боғлар, ҳиёбонлар, уларга хос хусусиятлар ўрганилди ва аниқланади. Улар Навоий даврдан олдинги Темурийларнинг бунёдкорлик ишлари билан қиёс-ланиб, улар орасидаги фарқлар аниқланди.

Тадқиқот натижалари ва хулоса. Алишер Навоий замонасида Ҳирот шаҳри Хуросоннинг энг йирик, бой ва маданий шаҳарлардан бирига айланади. Ўша даврда Ҳирот ва Хуросон мамлакатининг бошқа вилоятларида 12 мингдан ортиқ турли хил бино ва иншоотлар қурилади[9]. Натижада Ҳирот шаҳри Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро замонасида маънавият, санъат ва илм-фан тара-ққиётида Темурийлар фаҳри бўлган Самарқанддан ҳам ўзиб кетади. Бошқача қилиб айтганда, Алишер Навоий даврига келиб Мовароуннаҳр ва Хуросон мам-лакатларининг маданий маркази Ҳирот шаҳрига кўчади.

Навоий даврида Хуросон архитектураси, айниқса, Ҳирот шаҳри иморат-ларининг меъморий-бадий, ҳажмий фазовий композицияси, архитектоникаси ва нақшу-нигорларининг савияси ўзининг энг юқори чўкқисига эришади[6]. Буларда албатта, Алишер Навоийнинг бош вазир сифатидаги шахсий ҳиссаси, қури-лишларнинг бош буюртмачиси тарзидаги роли ва ўрни жуда катта эди. Бу даврда Темурийлар саройининг бош меъморлари Қувомуддин Шерозий ва Мирок Наққош бўлса, Алишер Навоий пойтахт Ҳиротнинг ва нафақат Ҳиротнинг, балки бутун Хуросоннинг бош бунёдкори бўлди[8]. У халқни доиом яратувчанликка, бунёдкорлик ва хайрли ишларни бажаришга йўллади, уларни нафақат маънавий, балки моддий рағбатлантириб турди, бунёдкорлик ишларига ҳомийлик қилди.

Навоий даври иморатларининг типологиясига тураржой ва амалдорларнинг саройларидан ташқари жамоат бинолари: масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар, бозор иншоотлари ва савдо бинолари, карвон-саройлар, даволаш ва шифобахш муассасалар (шифохоналар, гармобалар, ҳаммомлар, ошхоналар ва ланганхо-налар) қирган. Ушбу типологияга, шунингдек, муҳандислик ва ирригация ин-шоотлари (сув омборлари, каналлар, кўприклар, ҳовузлар, сардобалар, ях-донлар) ҳам қирган[6].

Хуросон саройлари архитектураси ва ҳудудида иссиқ ва қуруқ иқлимли Ислом шарқи мамлакатлари меъморчилигига хос ички ва ташқи ҳовлилар фе-номени, пешайвонлар, кайвонлар, шийпонлар, кўшк шакллари, ҳовузлар, фав-воралар, боғлар, сайроҳлар, гулзорлар, чаманлар ўз аксини топган.

Навоий давридаги масжидлар хизмат кўрсатиш доираси ва мавқеи ҳамда жойлашишига кўра гузар, жума, жоме масжидлари ва намозгоҳлар (мусаллолар) ҳамда зиёрат масжидларига бўлинган. Гузар, жума ва жоме масжидлари шаҳар ҳудуди – (ҳисор)да жойлаштирилса, намозгоҳлар шаҳар ташқарисида, унга яқин кенг майдонли ҳудудларда қурилган[5].

Ҳиротда Темурий шаҳзодалар: Шоҳрух Мирзо, Ҳусайн Бойқаро ва вазир Алишер Навоий қурдирган мадрасалар нафақат Хуросонда, балки Ўрта Шарқда ҳам нуфузли олий билим масканлари ҳисобланган. Навоий қурдирган ма-драсаларнинг меъморий-тарҳий тузилиши ҳам XV аср меъморчилигининг бу турдаги иморатлари йўналишида бўлгани шубҳасиздир. Мадрасанинг пештоқ қисми баланд ва ҳашамдор, бош тарзнинг икки ёнидаги миноралар пештоқдан ҳам юқорилаб кетган гулдасталар билан безатилиши бу давр мадрасалари учун анъанавий ҳисобланган[2].

Марказий Осиё ҳудудида даволаш, соғломлаштириш-гигиеник муасса-саларининг меъморий шаклланиши X-XI асрлардан бошлангани тарихий ман-балардан маълум. Жумладан, X асрда Марвда, XI асрда Гурганж ва Самарқанд шаҳарларида жамоат касалхоналари бўлган. XIV аср охири - XV аср бошларида биргина Ҳирот шаҳрининг ўзида бешта жамоат шифоҳонаси фаолият кўрсат-ган [8]. Ушбу шифоҳоналар таркибида дорихона ҳам бўлиб, унда дорипазлар беморлар учун дори-дармонлар тайёрлаб берган. Навоийнинг ўзи ҳам Ҳиротда Инжил канали бўйида катта шифоҳона қурдириб, унга “Шифоия” деб ном беради[3]. Темурийлар даврида қурилган барча жамоат шифоҳоналари архи-тектураси ички ҳовлили, айвонли, тарзий композицияга эга бўлиб, унда бе-морларнинг хужралари ҳовли деворига туташ, бир-бирига ёндош ва қатор қилиб жойлаштирилган. Хужралар олдига, баъзан, узун айвон-раҳров қурилган. Ҳовли ўртасида ҳовуз, унинг атрофида чорчаман, гулдор буталар ва беморлар учун дам олиш ўриндиқлари шакллантирилган, ички ҳовлида қулай микро иқлим ва ташқи шовқиндан ҳолилашган микро муҳит яратиш имкони бўлган.

Баъзида шифоҳоналар ёнида мадрасалар қурилиб, мадраса ва шифоҳона бинолари яхлит бир табобат академияси тарзида фаолият кўрсатган. Бунга мисол қилиб Ҳиротда Навоий қурдирган Шифоия шифоҳонаси ва унинг ёнидаги Ихлосия мадрасасини кўрсатиш мумкин[2].

Навоий даврида бошқа бинолар қаторида ҳаммомлар қурилиши ҳам анча ривожланган, бу эса Темурийларнинг ўз халқи ҳаёти ва турмушига анча юксак маънавий қадриятлар билан ёндошганлигини, ўша давр даволаш ва соғлом-лаштириш-гигиеник муассасалар архитектураси ҳам Навоий даври иморатлари типологиясининг муҳим таркибий қисмига айланганлигини кўрсатади.

Навоий даврида тасаввуф масканлари бўлмиш хонақоҳлар қурилишига ҳам катта эътибор берилган. Аксари хонақоҳлар мадрасалар ва масжидлар қошида, базида хонақоҳ-зиёратгоҳлар тарзида қурилган[1]. Масалан, Навоийнинг “Ха-лосия” хонақоси Инжил канали мавзесида қурилган “Ихлосия” мадрасаи-олияси қаршида, у билан бир худудда ансамбль ҳолида қурилган[7;10]. Хонақоҳлар архитектураси Марказий Осиёда суфизмнинг шаклланиш ва ривожланиш бос-қичлари, жамиятдаги рўли ва ўрни ҳамда хонақоҳларнинг жойлашиш геог-рафиясига боғлиқ ҳолда турлича кўринишларда шакллантирилган. Дастлаб улар ҳовлили композицияда (бир ва кўп ҳовлили тарзда), сўнгра ҳовлили-айвонли композицияда (бир ва кўп ҳовлили кўринишларда), кейинчалик пештоқли гумбазли композиция (ҳовлисиз ва ҳовлили вариантлар)да меъморий жиҳатдан трансформацияланган.

Ўрта Осиё тарихий шаҳарлари ва Буюк ипак йўли бозорларини карвон – саройлар (работлар) сиз тасаввур қилиш қийин. Аксарият карвон-саройлар ва работларнинг тарҳи квадрат, тўғри тўртбурчак шаклларда, деворлари пишиқ ғиштдан ишланган. Айрим карвон-саройлар ва работлар ҳам ғиштдан қурилиб, тарзи пишиқ ғишт билан пардозланган. Асосий кириш қисми пештоқ билан бўрттирилиб, тарзнинг ён томонлари гулдасталар билан тугалланган. Тарзи ғиштин нақшлар ёки кошинбуррушлик билан пардозланган карвон-саройлар ҳам қурилган.

Хуросон фуқаро меъморчилиги тарҳида муҳандислик ва иррадия иншоот-ларининг ҳам ўрни катта бўлган. Бундай иншоотларга ҳовузлар, сардобалар, сув омборлари, бандлар, каналлар, кўприклар ва яхдонлар кирган. Шахсан Навоийнинг ўзи ўз маблагги ҳисобидан 16 та кўприк, 11 та ҳовуз, бир нечта сув омборлари, каналлар, анҳорлар, ариқлар ва қудуқлар қаздиради[2].

Алишер Навоийнинг Хуросон меъморчилиги шоҳ асарларини қайта тиклаб, кенгайтириб, тамирлаб, уларни халқ хизматида ва кейинги авлодларга қолдириш бўйича амалга оширган кўшлаб хайрли ишларини, унинг Хуросон меъморий меросига қўшган улкан ҳиссаси деб баҳолаш мумкин.

Навоийнинг ўзи ҳам Ҳирот шаҳри атрофида бир нечта боғ ва манзил-гоҳлар бунёт этган. Боғи Мурғоний, Боғи Сарипули–сангқашон (тош ташувчилар кўприги ёнидаги боғ), Боғчаи Шавқия (Дилқушо боғи), Боғчаи Гузургоҳ, тахти Бобо Сўхта ва Боғи Азизон манзиллари шулар жумласи-дандир[4;6].

Темурийларнинг боғ-парк санъатига киритган янгиларидан бири – бу боғларни ўзаро ва шаҳар дарвозалари билан боғловчи кенг “хиёбон”ларни яратиш бўлган. Ҳирот шаҳри деворларидан бошланган кенг хиёбон бир неча километрга чўзилиб, шаҳарни Парафомуз тоғи этагидаги Гузургоҳда жой-лашган Абдуллоҳ Ансорий ҳазираси билан боғлаган[3]. Хиёбон бу, одатда, эни 15-30 метр бўлган чўзинчоқ, тарҳи мунтазам, ариқ бўйлаб кўп қаторли дарахтлар экилган тўлик соя берувчи чизикли сайргоҳ боғдир. Хиёбон бир қатор ва кўп қатор қилиб экилган бир турдаги дарахтлар билан шакллантирилган Ҳирот боғларнинг асосий қисми тарҳи мунтазам ҳандасавий шакиллардан тузилган “чорбоғ” услубидаги боғлар бўлган.

Чорбоғ услубидаги тарихий боғларнинг меъморий-режавий ва ландшафт ечимларига хос асосий тамойиллар қуйидагилардан иборат: боғ худудини атроф-муҳитдан дарвоза ва деворлар орқали ҳолилаштириш; боғларнинг меъморий-режавий ва ландшафт ечимини жой рельефига мос тарзда шакллантириш: текис худудларда мунтазам режали симметрик композицияли боғлар яратиш; қия-ликларда эса мунтазам режани эркин табиат кўринишдаги режавий ечимлар билан узвий боғлаш ва худудини поғоналарга бўлиб чиқиш; ҳар иккала режавий ечимда мунтазам тартибли симметрик чорбоғ, чорчаман ва хиёбон компо-зицияларини кўллаш; боғларни кўкаламзорлаштиришда манзарали ва мевали дарахтларни кўллаш, бунда меъморий боғни хўжалик боғи билан муво-фиқлаштириш, суғориш шаҳобчаларининг мунтазам ва тежамли тартибини белгилаш; боғлардаги “яшил дунё”ни “сув дунё”си ва “хайвонот дунё”си билан уйғунлаштириш, ҳар бир дунёнинг экзотик турлари ва шаклларида фойда-ланиш; боғнинг бош биноси (сарой ёки кўшк)ни табиий ёки сунъий ишланган тагкурси, платформа ёки стилобатга жойлаштириш; боғ хиёбонларининг боши ва охири, кесишган жойларини гўзал меъморий композициялар (ҳовуз, фаввора, кўшк, войиш ва шу кабилар) билан безаш; хиёбонларни куёш нуруни эътиборга олиб уфқ томонларига мос ҳолда кўкаламзорлаштириш, кўпроқ соя салқин муҳитларни ташкил этиш[6;5;8].

“Хуросоннинг Навоий даври архитектураси ва шаҳарсозлигига хос етакчи анъаналар” мавзусида бажарилган тақиқотлар натижасида қуйидаги хулоса-ларга келинди:

1. Хуросоннинг Навоий даври архитектураси ва шаҳарсозлиги ўзида Наво-ийдан олдин ўтган Темурийлар архитектурасининг энг илғор анъаналарини давом эттирибгина қолмай, уларни ривожлантирди, такомиллаштириб, пойтахт Ҳирот шаҳри архитектураси мисолида уларга янгича авж ва йўналиш ба-ғишлади.
2. Хуросон архитектураси Навоийгача Мовароуннаҳрда шаклланган “Амир Темур меъморий стили”га хос бўлган анъаналар: иморатларнинг режавий ва ҳажм – фазовий ечимларидаги ички ҳовлилик, мунаққашлик, бино тарзи, иморат курсиси, остонаси ва бадиий тугаллик композицияларининг бўрттирилиши, бино қисмларининг иморат тарҳи бўйлама ўқида нисбатан аксли симметрия-лилиги, композициявий тузилишидаги яхлитлик, меъморий ўлчамлар ва шакллар

уйғунлиги, нақшу-нигорлар рангидаги мутаносиблилиқ каби анъаналарни ўзида акс эттирди. Алишер Навоийнинг Инжил канали бўйида бунёд эттирган ну-фузли жамоат бинолари: Ихлосия, Халосия, Шифоия, Сафоия ва Унсия уй-саройи ва боғи, Хусайн Бойқаронинг Ҳирот шаҳридаги жоме масжиди ва мадрасаси, Ҳирот шаҳри эски жоме масжидининг кенгайтирилиб қайта тикла-ниши, таъмирланиши ва бошқа қурилишлар бунга мисолдир.

3. Алишер Навоий ўзининг бунёдкорлик фаолиятини шаҳарсозлик ансам-бллари, меъморчилик, боғ-истироҳатчилик, қисман бузилган таъмир талаб иморатларни қайта тиклаш ва меъморий таъмирлаш, даволаш ва шифобахш му-ассасалар (шифоҳона, хаммомлар), ибодат ва хайрия иншоотлари (масжидлар, карвон-саройлар, хонақоҳлар, бозорлар) қуриш, ариқ ва каналлар қазил, ховузлар, кўприклар яратиш ва ҳатто тасвирий санъат ва наққошлиқ каби ишларда, ҳуллас ўзи яшаган давр ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларини қам-раган ҳолда, ўта кенг қўламда олиб борди. Навоий бу ишларни нафақат пойтахт Ҳиротда, балки Машҳадда, Марфда, Астроботда, Мозори Шарифда, Исфизор ва Сарахс каби шаҳарларда, Гузургоҳ каби мавзеларда олиб бориб, айни пайтда, эл-юрт маъмурчилиги ва фаровонлигига авж берди.
4. Хуросоннинг Навоий даври шаҳарсозлигида бинолардан туркум шакл-лантириш, яъни уларни шунчаки алоҳида қурилган бинолар тарзида эмас, балки улардан меъморий уйғунлаштирилган “гулдастлар” – меъморий мажмуа (ансамбллар) тузиш ривожлантирилди, қурилишларга ҳомийлик қилиш анъа-налари шакллантирилди;
5. Бинолар ҳажмий композициясини бўрттиришда нафақат гumbаз ва пеш-тоқларга, балки минораларга ҳам катта эътибор берилди, минораларнинг меъ-морий композицияларидаги доминант, яъни етакчилик роли оширилди.
6. Биноларнинг маҳобатлилиги ва нақшу-нигорларига, эстетик жозиба-дорлигига алоҳида эътибор қаратилди. Нақшу-нигорлар ичида ислимий ва эпиграфик кошин нақшлар ҳамда муқарнаслар етакчилик қилди. Муқарнас нафақат ички гumbаз шиплари ва равоқчаларда, балки ташқи равоқларда ҳам кенг қўлланилди, Навоий таклифи билан баъзи боёна уйлар ва саройлар де-разалари рангли ойналар ва панжаралар билан безатилди;
7. Ҳирот шаҳри қурилишида кўкаламзорлар экологияси ва ландшафт-ти, боғ-паркчилик санъати услубларидан кенг фойдаланилди. Бу йўналишларда анъанавий “Чорбоғ” ва “Хиёбон” усуллари кенг қўлланилди. Боғлар ичидаги кўшк саройлар деворларига ҳаётини мавзулардаги ранг тасвирлар ишлашни давом эттириш каби янгиликлар шаклланди.
8. Ҳиротнинг бош хиёбони ҳисордан то Гузургоҳ ҳазирасигача чўзи-либ, Самарқанднинг Кўчаи Хиёбонидан фарқли ўлароқ, кенг бульвар, яъни шаҳар аҳолисининг кўнгили очар яшил сайроғоҳ кўчаси сифатини олди ва ўзига бир қатор меъморий ансамбл ва мажмуалар (жумладан, Гавҳаршод бегимнинг мадрасаси ва мусаллоси, Хусайн Бойқаронинг жоме масжиди ва мадрасаси, Навоийнинг Шифоия, Ихлосия, Халосия, Сафоия иморатлари)ни, савдо дўконлари ва расталарини бириктириб, Ҳирот шаҳрининг бир неча километрга чўзилган кенг яшил хиёбонини шакллантирди. Бу хиёбон Темурийлар даври шаҳарларининг бошқа хиёбонларидан фарқ қилиб, ўзида қатор ижтимоий функцияларни: томоша, кўнгили очар, савдо, сайроғоҳ, истироҳат, шаҳарнинг нуфузли жамоат марказлари, меъморий ансамбл ва мажмуаларини боғловчи серсоя кенг яшил йўл ҳисобланган.
9. Ҳиротда Темурийлар меъморий меросини сақлаб қолиш мақсадида, бузилган, талофат кўрган маҳобатли иншоотларни қайта тиклаш ва таъмир-лаш ишлари ҳам амалга оширилди. Навоийнинг меъморчилик ва таъмирчилик фаолияти фақат пойтахт Ҳиротдагини эмас, балки чекка ҳудудларда Астробод, Марв, Машҳад, Балх каби шаҳарларда ҳам олиб борилди.

Буларнинг барчасига бир томондан Алишер Навоийнинг Хуросон равнақи йўлидаги кенг бунёдкорлик шижоати сабаб бўлган бўлса, бошқа томондан, пойтахтда Ҳирот ёхуд Хуросон меъморлик миллий мактабининг шаклланиши, унинг бошида эса Қувомуддин Шерозий ва Мирак Наққошдек забардаст меъмор-муҳандис ва наққошларнинг тургани сабаб бўлган. Қу-вомуддин Шерозий ва Мирак Наққош ижодига изланувчанлик, бирини бошқа иморатда такрорламаслик, меъморий жозибадорлик, давр меъмор-чилигига янгиликлар киритиш, ички ва ташқи меъморий шакллар, нақшлар гармониясига эришиш каби фазилатлар хос бўлган. Бу мактаб архитектурасининг типологияси ўша давр ҳаётининг ижтимоий заруратлари ва Темурийлар давлатчилигининг талабларига мос ҳолда шаклланиб келган. Ушбу меъморий мактаб фаолияти Хуросонда доимо бир замида ривожланиб ёки такомиллашиб бормаган бўлсада, темурий Хусайн Бойқаро ва бош вазира Алишер Навоий даврида яхлит бир гоёвий эстетик тизимга эга бўла олган.

10. Темурийлар давридаги меъморий типология Ҳирот шаҳри ва Хуро-сонда янада кенгайтирилиб, ўша давр иморатлари сафига алоҳида бино тарзида қурилган фуқаро шифоҳоналари (Шифоия, Ала уд-Давла), ҳазира зиёратгоҳи (Гузургоҳ ҳазираси), гармобалар, сардобалар, яхдонлар қўшилди. Таъкидлаш лозимки, пдаги алоҳида бино тарзида қурилган иншоот ва бинолар (гармобалар, Гузургоҳ ҳазирасидек зиёратгоҳлар) ўша даврда Мовароуннаҳр шаҳарларида ҳали қурилмаган эди.
11. Алишер Навоий даври архитектураси ундан олдинги Темурийлар хоадони, хусусан Шохрух Мирзо, Абу Саид Мирзо ва бошқа темурийлар даври иморатларига кўра сезиларли даражада фуқоровий бўлган. Навоий даври архитектураси кўринишларида маҳобатчилиқ, тантанаворлик ва улугворлик ҳиссиётларидан чекиниб, бир мунча гуманистик фуқоровий руҳиятга яқин келингани сезилиб турган. Навоий даври биноларининг меъморий – бадий тузилишида

нақш турлари, улардаги рангнинг кучи, ранг-баранглиги ҳам аҳамиятлидир. Ислимий, гирих, ёзувий безакларда ритм, симметрия ҳамда муқарнас нақшлар куёш нури билан товланиб, ўзига ҳос жозибадорлик касб этган.

12. Мазкур тадқиқотда Навоийнинг шаҳарсозлик, меъморчилик, боғ-парк қурилиши, ободончилик ва эл-юрт маъмурчилиги йўлидаги бунёдкорлик ишларининг географияси аниқ шаҳар ва қишлоқлар ҳамда объектлар мисолида жадвал тарзида ишлаб чиқилиб, ўқувчига тушунарли қилиб яхлит салномага жамланди.
13. Шарқ ислом архитектураси, хусусан Темурийлар ва Навоий даври архитектурасида тарихий шаҳарлар кўчаси ва майдонлари узра юрган киши кўкга бўй чўзган турли-туман миноралар ва мовий гумбазлар шакллари ва ранглиги композициявий контрастини, уларнинг тўғри тўртбурчакли текис юзали баланд пештоқлар шакллари ва ранглиги билан гўё рақобатга тушаётганлигини, тўғрироғи улардаги меъморий шакллар ва ранглар жилоси, гормониясини ҳис қилган. Бундай шакллар ва ранглар рақси кишига эстетик таъсир қилмай қолмаган, унинг дилини яйратган. Бу ҳолатни, айниқса, кечкурун кўрганлар турлича меъморий шакллар ва кўринишлар (силуэтлар) ўйинидан завқланган. Бу бир томондан бўлса, иккинчи томондан ўша жонли табиат шаклларига ўхшаган силлиқ юзли турлича гумбазларнинг тўғри чизикли пештоқлар ва улкан миноралар билан контраст тушиши ва ундан ҳосил бўлган бадиий эстетик самарага ҳозирги замон архитектураси ҳам ҳавас қилса арзийдиган ҳолатдир.
14. Ҳирот боғларининг меъморий-режавий тузилиши “чорбоғ” услубидаги тўғри геометрик шакллардан тузилган симметрик тартибли чорчаманлар, йўлаклар, гулзорлар ва мевазорлардан иборат бўлган. Навоийнинг замондоши Ниёзий Навоийнинг таклифига кўра “Ирошод уз-зироат фи илмил-харосат” (Экин экиш йўриқлари ва деҳқончилик илми) номли асарини ёзиб, унда чор-боғнинг тархий тузилиши, унда экиладиган ўсимликлар ва уларнинг экилиш тартиби ҳақидаги маълумотларни келтирган.

Мунозора. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Хуросон ва Мова-роуннаҳр, хусусан Марказий Осиё архитектураси тарихи соҳасидаги билимларни кенгайтириш ва бойитиш билан бирга, архитектура ва қурилиш олий таълим муассасаларидаги Архитектура тарихи ва назарияси, архитектура ёдгорлик-ларини таъмирлаш ва сақлаш, улардан фойдаланишга йўналтирилган ўқув адабиётларини тайёрлаш ва мавзуга доир монографияларни ёзишда кенг имкониятлар яратади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса Ўрта Шарқ мамлакатларида Навоий даврдан бизгача сақланиб қолган меъморчилик ва шаҳарсозлик объектларининг мавқеини оширишга, уларни таъмирлаш ва замонавий эҳтиёж-ларга мослаштириш лойиҳаларини ишлаб чиқишга, Темурийлар даври, хусусан Алишер Навоий даври архитектураси объектларини оммалаштиришга, улардан сақланиб қолганларини таъмирлаш, унумли фойдаланиш, давлат муҳофазасига олиш, уларга зиёрат туризми маршрутларини очиш ва улардан фойдаланиш ишларига хизмат қилади

Тадқиқот натижалари Алишер Навоийнинг нафақат Шарқнинг улкан шо-ири, гуманизм элчиси, балки буюк меъмори, бунёдкори, боғбони, муҳандиси, Хуросондаги яратувчанлик ишларининг забардос ҳомийси эканлигини ҳам исботлаб турбди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ахмедов Б. Хондамир.-Тошкент: Фан, 1965.
2. Хондамир. Хулосат ул-ахбор.-Тошкент, 2001.
3. Алишер Навоий. Вақфия.-Асарлар. 15 томлик, 13-т. – Тошкент, 1996.
4. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома.-Тошкент, 1989.
5. Темурийлар бунёдкорлиги давр манбаларида. Тузувчилар: М.М.Хайруллаев, А.Уринбоев, О.Бўриев.-Тошкент, 1997.
6. Пугаченкова Г.А. Из художественной сокровищницы Среднего Востока.-Ташкент, 1987.
7. Ахмедов М. Некоторые особенности формирования архитектурных ансамблей исторических сложившихся городов Средней Азии//Вопросы теории и истории архитектуры Узбекистана. Вып. 210.-Ташкент, 1977.
8. Уралов А., Сувонкулов И. Алломалар олами. – Тошкент, 1991.
9. Абдуазизов А. Минг бир ният//Совет Ўзбекистони, 1991. 22-январь сони.
10. Валихонов О. (Бокир). Навоий ва фан.// Фан ва турмиш, 1991.